ДХАММАПАДА – БУДДАВИЙЛИК ФАЛСАФАСИНИНГ КВИНТЭССЕНЦИЯСИ

К.Жўраев

В статье рассматриваются возможности использования философского наследия Будды в деле формирования духовно богатой личности.

The article deals with the problems of possibility of using the the philosophical heritage of Budda in the formation of spiritually rich personality.

1996 йил 24 апрелда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашида ташкилотнинг Бош директори Федерико Майорга ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, "Ипак йўли – мулоқот йўли" халқаро дастурини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти – "Дўстлик" ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан табригида, 2002 йил 2 апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимиз ҳудудида ислом динининг ўлмас ва мангу қадамжолари, ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, насронийларнинг зиёратгоҳлари мавжудлигини қайд этар экан, Ислом Каримов шундай дейди: “азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар – зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас” [1]. Турфа диний эътиқодга эга кишиларнинг бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатувчи динлараро бағрикенглик тушунчаси мустақил республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётининг залворли қомуси саналмиш “Миллий истиқлол ғояси”нинг мустаҳкам ўқпоя илдизларидан ҳисобланади. Чунки бу қомусий хужжатда таъкидланганидек, “дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади” [2].

Жаҳон динларидан бири, маънавий ва фалсафий қарашлар тизимидан иборат бўлган буддавийлик, Юртбошимиз И.Каримов Япониянинг Васеда университети Илмий кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бизнинг ўзбек заминимизда милодий II асрдан шакллана бошлаган. Асосий илмий фаолиятини Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихини ўрганишга бағишлаган таниқли япон қадимшуноси, профессор Кюдзо Катонинг тадқиқотлари ўзбек ва япон халқлари қадимий маданиятлари, маънавияти, анъаналари, урф-одатларининг муштараклиги ва бир-бирларига ўзаро таъсири бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Бу муштаракликни аниқ тасаввур қилиш учун биринча манбаларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

2500 йил муқаддам Будда ўз таълимотини кенг ёйиш учун катта шароитларга эга бўлган. У фан, маърифат ва маданият юксак қадрланган муҳитда, истеъдодли ва садоқатли шогирдлари атрофида яшади. Тангрига *етишган* ёки *равшанланган* кунидан кейинги 45 йил давомида одамларнинг тафаккур оламини кенгайтиришни давом эттирди. Одамларни бетиним ва узлуксиз маърифат ва маданиятга чорлади.

Будда – дунёдаги Дхарма аталмиш энг бой маънавият хазинасига эга тарихий инсонлардан бири ҳисобланади. Унинг шахсан ўзи айтган 84 мингта фойдали насиҳатлардан иборат асарлари – уни *Кангьюр* дейишади – 108 жилдга жойланган, кейинчалик унинг асарларига ёзилган талқин ва тафсирларнинг ўзи – *Тенгьюр* – 254 та қалин жилддан ўрин олган. Буларнинг ичида “Кхуд-дакапатха” будавийликдаги одоб, ахлоқ, панднома, насиҳатни ифодаловчи дуо ва мадҳиялардан ташкил топган. “Итивуттака” Будданинг наср ва назмда битилган 112 та қисқа фикрномасида унинг ҳаётда кўрган турмуш машма-

шаларига муносабати ифодаланган. Шеърий мисралардан иборат бўлган ”Удана” асарида Будда ҳаётидан олинган 80 та ривоят бор. Аммо Буддонинг яқин шогирдлари тузган қисқа лирик поэмалар “Тхера-гатха”(“Роҳиблар шеърияти”) ва “Тхери-гатха” (“Роҳибалар шеърияти”), буддавийликнинг муқаддас китоби саналган “Типитака”нинг энг қадимги нусхаларидан “Суттанипата” (“Мухтасар матнлар”)нинг асосий манбаси саналади. Улар ҳозир биздаги Инжил ва Қуръони каримга ўхшаб, ҳаётдаги эзгуликлар, энг яхши инсоний хислатларни тараннум этувчи ва олиймақом фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган “Дхаммапада” буддавийлик таълимотининг асл мағзини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ноёб асарлар нафақат ҳинд, балки бутун жаҳон адабиётининг нодир хазинаси саналади.

“Дхаммапада” буддавийлик фалсафасининг компендиуми – барча асл дониший моҳиятини ўзида мужассам этган асар. Унда илк буддавийликнинг ахлоқий принциплари, ҳатто ташқаридан мавҳумдай кўринган панд-насиҳатлар ҳам қиёсий йўллар билан осон талқин қилинган. Масалан, унда шундай ҳикмат бор. “Ҳикматлар онгга боғлиқ, уларнинг энг яхшилари – онг, уларнинг барчаси – онг маҳсули. Кимки бирон нарса ҳақида ўйламай гапирса ёки ўйламай иш қилса, изма-из бораётган ғилдиракдай, онгсизлик кетидан бахтсизлик келади”. Ёки яна бир ҳикмат: “Асалари гулнинг ширасы, ранги ва ҳидини олиб, гулга зиён етказмай учиб кетгани каби, донишманд ҳам қишлоқда ўзини шундай тутсин. У бировларнинг камчиликлари, бажарган ва бажармаган амалларига эмас, ўзи қилмаган ва қилолмаган нарсаларга қарасин”. Будда ҳикматларининг умуминсонийлиги шундаки, улар умумий истеъмолда бўлган сайин, бошқа халқлар оғзаки ижодиёти намунасига айланиб кетганлар, хатто ўзга муқаддас диний китобларда ҳам акс садо беради. Масалан, Гаутама Сиддхартха ёзади: “баъзи одамлар бировлардаги нуқсонни осонликча топадилару, ўзининг камчилигини, аксинча, кўрмайдилар”. Янги Аҳднинг Луқо инжилида [3] бу ҳикмат рус тилида қуйидагича жаранглайди: “Что ты смотришь на сучок в глазе брата твоего, а бревна в твоем глазе не чувствуешь?» (Ўзбекчада: “Сен ўз биродарингнинг кўзидаги зирапчага қарайсан-у, лекин ўз кўзингдаги ходани сезмайсан? Инглиз тилида: “And why do you look at the speck that is in your brother’s eye, but do not notice the log that is in your own eye?”. Бошқа варианти: “Why do you see the speck in your neighbor’s eye, but do not notice the log in your own eye” ёки яна бири: “Why do you look at the speck in your brother’s eye, but pay no attention to the log in your own eye?”).

Будда ҳикматлари катта тарбиявий аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиш, уларга батафсил таъриф бериш мумкин. “Дхаммапада”нинг биринчи бобида муаллиф шундай ҳикматни келтиради: “Довул нимжон дарахтни қандай осон қулатса, ажал ҳам нафси, ҳис-туйғуларини жиловлай олмаган, ебтўймас, очкўз, ялқов, беқарор, ҳузур-ҳаловат ва лаззат бандасининг кетидан худди шундай қувади”. Бу ерда олти тоифа одам қилмиш-қидирмиши, тавсифи, ички олами кўрсатиляпти. “Ҳис-туйғуларини жиловлай олмайдиган”, яъни ўзини ўзи бошқаришга ожиз, шарм-ҳаёни билмайдиган, бетайин ва бебурд, иродасиз, қатъиятсиз одам ўйламай қилган амали туфайли ўлимга маҳкум, чунки у кўнгли тусаган ишдан қолмайди, қинғир йўлларга киради, бузуқ одамлар билан мулоқотда бўлади, уларда шарму ҳаё, ибо-иффат, ор-номус, инсоф-диёнат, одоб-андиша, орият, хижолат тортиш туйғуси йўқ, оиланинг муқаддаслиги улар учун бегона. Худбинлик, нопоклик, маиший бузуқлик ва маънавий тубанлик ундайларни ҳалок қилади. Зинокорлик, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик ақл билан ўйламай, устунлик қилаётган ҳис-туйғуни қондиришга ундайди. Кўнгил куйига кирган киши нафсу ҳавога берилиб, тўғри йўлдан озади, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилади, ўз ножўя хатти-ҳаракатидан уялмайди, у нафс, ҳузур-ҳаловат бандаси ва лаззат қули, охир-оқибат ҳам жисмонан, ҳам маънан ҳалок бўлади. Шунинг учун буюк сўфий Ҳасан Басрий айтганларидай, “яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб, тергаб, назорат қилиб туради, фожир одам эса нафсини итоб қилмай юраверади”. Будда ҳикматидаги қиёс – довул дарахтларни қулатганидай, жиловланмаган нафс ёки ҳис-туйғунинг одамни халок этиши тўғрисидаги тимсолий тасвир бугун океан орти мамлакатларидаги даҳшатли торнадо, довул ва бошқа табиий офатларни эслатади.

Ҳис-туйғуларни боадаб, ҳалол, пок, диёнатли одам жиловлай олади. У барқарор ва жиддий, нафси тийиқ, ҳаромдан ҳазар қилади, ўзини ўзи идора эта билади. Ҳаёлилик, имон, диёнат, садоқат ҳис-туйғунинг жиловидир. Шунинг учун Будда “Дхаммапада”даги “Қўш мисралар” деб номланган бобда юқорида келтирилган ҳикматнинг жуфт вариантини қуйидагича ифодалайди: “До-

вул тоғларни қулата олмагандай, ажал ҳам ҳис-туйғуларини жиловлай олган, кўзи тўқ, эътиқодли ва барқарор, ҳузур-ҳаловат ва лаззат ёт банда кетидан қува олмайди". Файласуф фикри услуб, образлилик, лисоний ифода таркиби ва бадиий таровати жиҳатидан бениҳоя маҳорат билан акс этган бу ҳикматда.

Шундай "қўш мисралар"дан бир-иккита келтирамиз.

1.1. Моҳиятни моҳиятсизлик деб, моҳиятсизликни моҳият дегувчилар ҳеч қачон моҳиятни эгаллай олмайдилар, чунки уларнинг хаёллари ҳам беқарор.

1.2. Моҳиятни моҳият, моҳиятсизликни моҳиятсизлик деб тушунувчилар моҳиятни эгаллайдилар, чунки уларнинг хаёллари ҳам барқарор.

2.1. Томи қаровсиз уйдан чакка ўтганидек, ноқис ақл ҳам доим нафс куйида.

2.2. Томи мустаҳкам уйдан чакка ўтмаганидек, тўкис ақл ҳам нафсдан узоқ.

3.1. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам нолиганинолиган. Ёмонлик қиладиган одам иккала дунёда ҳам нолийверади. У ўзининг қилмишларини кўриб нолийди, улардан азоб чекади.

3.2. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қувонганиқувонган. Яхшилик қиладиган одам иккала дунёда ҳам қувонаверади. У ўзининг амалларининг бенуқсонлигини кўриб, қувончи ичига сиғмайди.

Ва ҳоказо. Бундай пурмаъно ҳикматлар Будда хазинасида юз мингга яқин.

Ҳозир бу таълимот бутун инсоният мулкига айланган. Будданинг ҳаётининг охирида айтган гаплари эътиборли. «Мен, – деган эди у, – энди бахтиёр кўз юма оламан. Бирорта ҳам ҳикматимни маҳкам сиқимлаб кетмаяпман. У дунёга кафтим очиқ кетяпман. Сизга фойда келтирадиган ҳамма нарсани беришга улгурдим».

Барча диний тизимларда бўлганидек, буддавийлик ҳам ҳаёт ўзининг барча кўринишида одамлар учун азоб ва ғам-алам манбаидир, деган таълимотни олға суради. Бу душворликни енгиш учун эса инсон, таълимотга кўра, уни ўраб турган муҳитдан четлашуви ва тақво йўлини танлаши лозим.

"Дхаммапада"да буддавийлик динининг асл моҳияти ўз ифодасини топган. Гаутама Сиддхартха ўзининг илк ваъзидаёқ инсон, унинг ҳаёти, ҳаётдаги қийинчиликлар, уларни бартараф қилиб, гўзал турмуш тарзига эришиш мумкинлиги баён этилган. Қисқача, бу таълимотнинг моҳиятини у қуйидаги *тўртта гўзал ҳақиқат*да белгилайди, яъни:.

1. Азоб-уқубат тўғрисидаги гўзал ҳақиқат.
2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари тўғрисидаги гўзал ҳақиқат.
3. Азоб-уқубатга барҳам бериш тўғрисидаги гўзал ҳақиқат.
4. Азоб-уқубатларга барҳам бериш йўллари тўғрисидаги гўзал ҳақиқат.

Будда назарида, инсон ҳаёти бошдан охиригача азоб-уқубатдан иборат: унингча, туғилиш – азоб-уқубат, фарзанд йиғлаб дунёга келади (кулиб туғилмайди, фақат Зардушт истисно: у кулиб туғилган); йиғламаса, доя чақалоқнинг кетига уриб, йиғлашга мажбур қилади; бунинг ўзига хос сир-синоати бор. Бекорга дунёдаги қийинчиликларни тўлғоқ азоби билан қиёслашмайди. Будда соғлиқни йўқотишни ҳам азоб-уқубат сирасига киритади; ўлим – азоб-уқубат, баъзилар ўлолмай қийналади, шунда "осон ўлимингдан бер" деб тангрига илтижо қиладилар; ғам, алам, бахтсизлик, умидсизлик – азоб-уқубат; севмаган киши билан яшаш – азоб-уқубат ва, аксинча, суюкли одамингдан ажралиб қолиш – азоб-уқубат; астойдил хоҳлаган нарсангга эриша олмаслик – азоб-уқубат. Буларнинг барчаси Будда таълимотида бор.

Барча азоб-уқубатларнинг сабабчиси одамнинг ўзи. Одам ҳамма ҳавас қиладиган, ширин, фаровон, қийинчиликсиз, гўзал турмуш кечириши мумкин. Бунинг учун китобнинг "Тариқат" бобида кўрсатилганидек, Будданинг бир қанча амалий йўл-йўриқларини бажарса бас. "Йўлларнинг энг яхшиси – саккизта йўл, ҳақиқатларнинг энг яхшиси тўртта сўз; ҳикматлар ичида энг яхшиси – эҳтиросга барҳам бериш; одамларнинг энг яхшиси – зукко инсон", – дейди файласуф. Бу ерда у азоб-уқубатдан халос бўлишнинг саккизта йўлига ишора қилади, яъни:

- одам ҳаётда азоб-уқубат чекмай яшай деса, юқоридаги *тўртта гўзал ҳақиқат*га амал қилсин;
- тамагирлик, нафс, ҳирс, душманлик, бағритошлик ҳисларидан покловчи одилона мақсадга эга бўлсин – шунда у азоб-уқубат нималигини билмайди;
- ёлғон гапирмай, туҳмат қилмай, ҳақорат сўзлари билан тилини булғамай, манманликдан холи яшаса – у бахтиёр бўлади;
- бировнинг ўлимини хоҳламаса (қон тўкмаса), ўғирлик қилмаса, зиногарлик йўлидан юрмаса – тани-жони соғ-омон бўлади;
- олийҳимматли бўлиб, ғайриихтиёрий

ҳолатлардан ўзини тийиб, ножоиз-ноқобил ҳаракатлардан хазар қилиб, бировларга зиён етказмай яшаса – умри баракали, ҳаёти фаровон бўлади;

- бу амалларни тиришқоқлик билан бажарсин, ютуқларини ривожлантирсин, халоскорлик йўлидаги тажрибасини асрасин;
- танаси, ҳиссиёти, онги ва руҳий ҳолатлари ҳақида ўйласин, уларнинг моҳиятини теран ва аниқ белгиласин;
- ҳиссий ва ҳирсий (шаҳвоний) ҳолатларни тарк этиб, юксак билим ва мантиқий тафаккурга эга бўлган илк "билиш босқичига" кирсин, шунда у кундалик ҳаёт ташвишларидан қутулиб, ҳайрат, завқ-шавқ ва қувонч оламида кезади.

Будданинг бугун ҳам ўз кучида қолган бу ҳикматлари алоҳида бир миллатга мансуб диний ақида эмас, *умуминсоний қадрият* сифатида баҳоланмоғи лозим. Буддавийликнинг жаҳон динлари сирасига кириши ҳам шундан.

Будда ҳикматларида одамлардаги феъл-атвор, фазилат ва иллатлар ҳақида ҳам қисқа, лекин ғоят мазмундор, таъсирчан таърифлар берилган. Жумладан, баъзи маҳмадона, сўзамол одамлар ҳақида гапирганида, Будда уларни донишманд деб ҳисобламайди. У фақат хотиржам, оғир-босиқ, нафратланмайдиган ва жасур кишинигина донишманд санайди. Кўп гапиргани учун одамни ҳикматларни чуқур билади, деб бўлмайди, дейди у. Ҳикматни инкор қилмайдиган, чуқур саводли бўлмаса ҳам, уни бутун жисми билан ҳис қиладиган одам ҳақиқатан ҳам ҳикматни билувчи саналади.

Ҳасадгўй, зиқна, очкўз, уддабурон одам сўзамол ва хушрўй бўлса, уни ҳаммага ёқадиган деб бўлмайди. Фақат бундай ҳислатлари таг-томири билан юлиб ташланган, нафратланишни билмайдиган доно кишини ёқимли, атрофдагиларнинг жону дили дейиш мумкин. Бу дунёда яхшилик ва ёмонликдан устун турадиган ёки тақволи ҳаёт кечириб, чуқур билим эгаллаганларни Будда «бхикшу», яъни донишманд дейди. Дин йўл-йўриқларини оғишмай бажарадиган одамларни биз тавфиқли, яъни иймонли, эътиқодли, солиҳ инсонлар деймиз. Нодон ва жоҳил одам сукут сақлаб, жим турганида ҳам тавфиқли бўла олмайди, дейди Будда. Унга кўра, худди тарозида ўлчагандай, яхшиликни ажратиб олиб, ёмонликка тегмаган донишманд тавфиқли ҳисобланади; шунинг учун-да у тавфиқли. Бу дунёда унисиниям, бунисиниям – яхшиликниям, ёмонликниям тарозида тортаётган, уларни фарқлаб, биринчисига амал қилувчи киши – тавфиқли зот.

Дхаммапада – Гаутама Сиддҳартха Будда (623-544) нинг маълум бир вазиятда маълум бир мавзуга мос тарзда айтган фикрлари мажмуаси; қадимги буддавийлик ахлоқий таълимотининг асосий тамойиллари; қадимги ҳинд ва жаҳон бадиий адабиёти намуналаридан бири. Ўз даврида *ҳаёт дарслиги* саналган бу китобдаги ҳикматлар қисқалиги, тасвирийлиги ва сермаънолилиги билан ўқувчи диққатини жалб қилади.

Будданинг мулоҳазалари, унинг қадимги ҳинд халқининг кундалик турмушидаги воқеа-ҳодисаларга муносабати содда, лўнда, мавзуга мос келадиган ўхшатишлар воситасида янада ойдинроқ ифодаланган. Бу ҳикматларда муаллиф шахсияти бўртиб чиқиб турмайди. У таркидунёчилик тариқатининг моҳияти ҳақида гапирганида очиқ-ойдин ёки қатъий тарзда фикрини баён қилмайди. Унда даъват йўқ. Бўлса ҳам юмшоқлик билан, суҳбатдошининг иззат-нафсига тегмайдиган ҳолатда баён қилинади.

Будда "ўйламай гапирма", "онгсизлик қилма", деб буйруқ майлида мурожаат қилмай "ўйлаб гапирса – бахтиёр, ўйламай гапирса бебахт бўлади" қабилидаги ибратомиз фикрни айтади. Ёмонлик қилувчи иккала дунёда ҳам нолийверади. Яхшилик қилувчи иккала дунёда ҳам қувонаверади. Жиддийлик боқийликка етаклайди. Ўзининг нодонлигини билган нодон – нодон эмас, ўзини доно ҳисоблаган нодон эса ростдан ҳам нодон. Қилар ишни қилиб қўйиб, кейин афсусланиб юришади, мевасини татиб кўргач, кўз ёши тўкадилар. Кейин афсуслантирмайдиган иш – яхши иш: унинг мевасини татиб лаззатланасан ва шод-хуррам бўласан. Агар нуқсонларингни кўрсатаётган ва хатоларинг учун сенга танбеҳ бераётган донишмандни кўрсанг, сен у билан бирга бўлишга қасд қил. Уни хазина кўрсатаётган деб бил, дейди-да, кейин гапни юмшоқ оҳангда, сиполик билан: "ундай одамга эргашиш яхши, ундан асло ёмонлик кўрмайсан", деган ҳикматли таъкид билан якунлайди фикрини.

Ҳикматни севган киши ҳаётининг бир куни ҳикматни севмаган кимсанинг юз йиллик умридан яхши. Сиддхартханинг бу фалсафий дунёқараши ҳаммани, айниқса бугунги замондошларимизни сергаклантиради. Билим олишнинг қанчалик муҳим эканлигини намойиш қилади.

Шаҳзода Гаутама девдай бақувват, баланд бўйли, кенг яғринли, довюрак, моҳир мерган, жисмонан соғлом бўлган. Ривоятларда айтилишича, у қутурган буқа билан олишиб, ғолиб

бўлган. Китобнинг охирида брахманга берилган таъриф унинг ўзига ҳам тегишли: “Буқадай қудратли, олижаноб, ботир, ғолиб, бой билимга эга донишманд, ҳою ҳавасдан кечган, мукаммал ва равшанланган одамни мен брахман дейман”. Гаутама ёшлигида одамларни ўзининг ақли, заковати, одоби билан ҳам ҳайратга соларди. Йигитча донишмандлар билан суҳбатда кўпроқ баланд келарди. У дунёдаги энг бой маънавият хазинаси (дхарма ёки дхамма)га эга инсонлардан бирига айланди. Биз бу ерда ана шу маънавий хазинадан фақат айримлари ҳақидагина тўхталдик.

Ҳикматлар ичида қадимги ҳинд маданиятига хос, миллий руҳни берувчи таржима қилинмайдиган сўз ва тушунчалар ҳам учрайди. Лекин уларнинг мағзини чақишда ўқувчи қийналмайди, чунки муаллиф ўзи ҳар бир хос сўзни матн ичида таърифлаб кетади.

Масалан, “бхикшу, Будданинг шогирди, иззат-ҳурмат, эътиборга зориқмайди, аммо ёлғизликка кўнгил қўяди”, жумласидаги *бхикшу*ни шогирд, устози каби донишмандлик даражасига эришган киши, яъни, исломдаги тасаввуф илми билан қиёсласак, мурид ва шайх муносабатини эслатади.

Кейинги ҳикматларда *архатлар* ва *брахманлар* ҳақида гап борганда, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам тариқатидан адашмайдиган, гапиришни қанчалик хоҳлашса ҳам беҳожат лақиллайвермайдиган, бахтга эришган ёки ғамга кўмилган бўлса ҳам ҳамма ҳолатларини яшира оладиган, бойлик кетидан қувиб, захира тўпламайдиган ва ейиш учун эмас, яшаш учун ейдиган, тинч, хотиржам, ювош, босиқ, тақводорона яшаётган, барча тирик жонзодларни жазолашни ўзига эп кўрмайдиган, таркидунё қилган, энг юксак бахтга етишган, тўғри йўл ва қинғир йўлни фарқлай оладиган, ўта билимдон донишманд инсонлар эканлиги назарда тутилади.

Будда яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини таърифлаганда: ”Эзгу ишларнинг ҳиди *сандал дарахти, тагар, нилуфар ёки вассик*анинг ҳам ҳидидан минг баробар ортиқ”, дейди. Бу ердаги нотаниш сўзларнинг ҳам маъноси контекстдан маълум: *сандал, тагар, нилуфар, вассика* – хушбўй дарахт ва ўсимликлар, лекин яхшиликнинг ҳиди уларникидан ҳам аъло. Бу буддавийлик таълимотининг тушунарлилик даражасини оширишга хизмат қилади.

“Дхаммапада”да жамланган ҳикматлар, аввало, Будданинг суҳбатдошини, қолаверса, бугунги китобхонни, бизнинг буюк *сўфийларимиз* сингари, қатъиятли, матонатли, оқилу-доно, ғайратли, сермулоҳаза, хушёр, эҳтиётқор, жиддий бўлишга чорлайди, ўзини эҳтирос, ҳирс, нафс, ахлоқсизлик балосидан тийиб туришга чақиради. Будда умрининг охирида айтган гаплар эътиборли. «Мен, – деган эди у, – энди бахтиёр кўз юма оламан. Бирорта ҳам ҳикматимни маҳкам сиқимлаб кетмаяпман. Кафтим очиқ. Сизга фойда келтирадиган ҳамма нарсани беришга улгурдим».

Дарҳақиқат, бугун Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё, қисман, Ўрта Осиё ва Сибирь, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Непал, Бирма, Тибет, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлардаги бир миллиардга яқин киши бу ҳикматларни ёд билишади, азоб-уқубатдан қутулиш ва маънавий ҳамда жисмоний поклик рамзи сифатида уни авайлаб асрайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Васеда университети Илмий кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, худди шу маънавий ва фалсафий қарашлар тизимидан иборат бўлган буддавийлик бизнинг ўзбек заминимизда милодий II асрдан бошлаб шакллана бошлаган. Бу таълимот, комил инсон ғоясининг илк тарғиботчиси Буюк Муаллим Конфуций пандномалари каби, юртимизда “Баркамол авлод” давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли ўрин эгаллайди.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Жайҳун соҳилидаги боқий шаҳар //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002

2.Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001

3. Луқо баён этган Муқаддас хушхабар // Инжил. Валий Зуннун таржимаси. Туркия Муқаддас Китоб жамияти, 1996. Инглизча таржима манбалари: New Nestament, Good news Bible (Standard Bible), The Holy Bible (Containing the Old and New Testaments/ New Revised Standard Version.

Андижон давлат университети,
2012 йил 7 сентябрда қабул қилинган